



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 13 август, № 162 (8785)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

## Янги Ўзбекистоннинг музаффар спортчилари

Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари иштирокчилари тантанали кутиб олинди.



Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанмиз мустақиллигининг 33 йиллигини нишонлаш арафасида. Ортга назар ташлаб,

ўтаётган йилларга, кунларга боқиб, истиқлол аталмиш буюк неъмат халқимизга нафақат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, озод-

лик ва ҳурлик нафасини берганини, балки дунёда тенглар ичра тенг бўлиш, жаҳонда азалий-тарихий ўрнини қайта тиклаш, қан-

дай буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни исботлаш имкониятини тўхфа этганини янада теран англаймиз. ➡

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, педагог ва тиббиёт ходимлари меҳнатини қўшимча рағбатлантириш мақсадида:

1. 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 15 фоизга оширилсин. Бунда: пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 428 000 сўм этиб; ёшга доир энг кам пенсия миқдори — ойига 834 000 сўм этиб;

ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори — ойига 920 000 сўм этиб;

фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

бюджет ташкилотларида ишловчи тиббиёт ходимлари, шунингдек, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ва ташкилотлари, "Мурувват" интернат уйлари,

"Меҳрибонлик" ва Болалар уйлари, болалар санаторийларида ишловчи педагог ходимларининг иш ҳақи миқдори — 15 фоизга оширилсин;

бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори — 10 фоизга оширилсин, мазкур банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ходимлар бундан мустасно; меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори — ойига 1 155 000 сўм этиб белгилансин;

базавий ҳисоблаш миқдори — 375 000 сўм этиб белгилансин.

3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Иш бевуриларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан қўллаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 12 август

### МУЛОҚОТ

## ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Авал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева пойтахтимизнинг Яшнобод ва Мирзо Улугбек туманларида бўлди.

Ташриф доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, касб-хунарларга ўқитиш бўйича пойтахт туманларида амалга оширилаётган ишлар ҳолати танқидий кўриб чиқилди.

Аҳоли бандлиги эришиш, даромадини ошириш, маҳаллаларни ривожлантириш бўйича аниқ манзилли чораларни белгилаш ва амалга оширилишини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Айниқса, хотин-қизларнинг даромад манбаини оширишда барча масъулларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бунда тегишли раҳбарларнинг масъулиятини кучайтириш чораларини кўриш муҳимлиги қайд этилди. ➡

## ТУМАНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни туманларни иқтисодий ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини жорий этиш ҳамда саноат корхоналари учун жозибдор шароитлар яратиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон тажрибалари йўлга қўйилган. Йиғилиш аввалида шу борадаги ишларнинг натижадорлиги кўриб чиқилди.

Масалан, Сайхунобод тажрибаси бўйича ҳар бир маҳаллада 10 тадан микро-лойиҳа қилиш вазифаси қўйилган. Бу орқали республикада жами 132 мингта микро-лойиҳа ишга туширилиб, 242 минг кишининг бандлиги таъминланган. Лекин 26 та тумандаги 46 та маҳаллада бу ишлар суст кетмоқда.

Уйчи тажрибаси асосида банклар миқдори билан ишлаб, республика бўйича 500 мингта янги иш жойи очилган. Аммо 15 та туман ва шаҳарда натижа етарли эмас.

Гиждувон тажрибаси мингта маҳаллада кўп қаватли саноат бинолари ташкил этишга, Зарбдор тажрибаси жойларда драйвер лойиҳалар қилишга қаратилган.

Ушбу 4 та туман тажрибаси давлат сиёсати экани таъкидланиб, уларни бажаришда сусткашликка йўл қўйган раҳбарларга қаттиқ чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилди. Умуман, тажрибаларнинг ҳар бири бўйича масъулларга аниқ "КР" белгиланиб, ижроси устидан қатъий сўров бўлиши таъкидланди.

Йиғилиш кун тартибидан- ➡

### Ифтихор

## ҲАМИША ОЛАМ АРО ҚУЧ ЗАФАР, ЎЗБЕКISTON!

Она юртим қадами ҳар доим бўлган қутлуғ, Меҳри бекиёс, танти, қуёшдай ўчмас ўтлуғ. Унга эзулик ҳамроҳ, унда бордир матонат. Ўзи беқайд эғлимас сира сабру қаноат.

Бағрикенглик азалдан боболардан меросидир, Авлодлари Алпомиш, Барчинойларга хосдир. Баҳам кўрган ҳаттоки қолган парча нонини, Доимо сақлаб келган шараф ила шонини.

Дунё ўзи беҳудуд, кураш авж олган майдон, Унда тик туролганлар бўлғай албат, қахрамон. Қўлларда ҳилпираган хуш ният байроғидир, Бу дўстлик беллашуви, орият сабоғидир.

Юрт ишончин оқлай деб майдон тушса ўзбегим, Келди қалбим тўридан "Олга, ўзбегим!" дегим. Халқим дуо қилганда, тўлиб-тошиб юраклар, Бирма-бир ерга тегди қанча-қанча курақлар.

Байроғимиз юксакда, янграша мадҳиямиз, Қўзларда ёш, кузатлик "Яша, балли!" дея биз. Олим китоби аро Ватан номин нақш этди, Бу дилларга чексиз бахт, ифтихорлар бахш этди.

Толей ярқираган ҳар ёшнинг пешонаси, Шода-шода медаллар — голиблик нишонаси. Музаффарлик хабарин яйраб эшитган заҳот, Юртбоши ҳам қутлади — авлодлардан дили шод.

Голиблик суруридан эл қалқиб денгиз мисол, Алқамоққа ошдики фарзандларин бетимсол. Бугун улар мамун ўз жигаргўшаларидан, Байрам қилиб боришар пойтахт кўчаларидан.

Қўриб қувна, эй ҳаёт, голиблик нашидасин, Асрлардан асрга ўтган шон қасдасин. Илло, битмағай ахир бу сафар, Ўзбекистон, Ҳамиша олам аро куч зафар, Ўзбекистон!

Ўткир РАҲМАТ

Мен айна дамда минтақанинг геосиёсий манзараси, бугунги кундаги мавқеи борасида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Ҳозир айна жараёнларга бевосита таъсир этиш қувватига эга бўлган, сиёсатчилар тили билан айтганда, ҳақли маънода минтақанинг геосиёсий акторига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлари, кундан-кун ошиб, юксалаётган халқаро имижи борасидаги мухтасар фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Очиги, мени бугун айтмас бўлмайдиган, юрагимни тўлқинлантириб юборган қувончли воқеалар ёзишга ундади, қўлимга қалам олишга мажбур этди десам, тўғри гапни айтган бўламан.

# УЙҒОНАЁТГАШ АРСЛОП



# ТУМАНЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шу боис Бухородаги 62 та массив ва 54 та кўчада хизматларни ривожлантириш бўйича қарор қабул қилинди. Уларнинг бири оқватланиш, иккинчиси саломатлик, бошқалари меҳмонхона, хунармандчилик, савдо ва хизматларга ихтисослаштирилади. Жами 4 мингта тадбиркорлик ташкил қилиниб, 6 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Давлатимиз раҳбари саноат зоналарида ер ажратишни энгиллаштириш, бунга хизмат кўрсатишни ҳам қўйиш тақлифини қўллаб-қувватлади. Бундан бўён сервис жойларини сотиб олиш учун алоҳида кредит тури — “хизмат ипотекаси” йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Ивгилишда энергиядан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бухорода 900 миллион киловатт электр ва 400 миллион куб метр газни иқтисод қилиш имкони борлиги қайд этилди. Бу — умумий истеъмолнинг 20 фоизига тенг. Жумладан, 42 та йирик корхонада ускуналарни янгилаб, 25 фоизга электр ва газни иқтисод қилиш мумкин.

Шу боис Президент ҳар бир туманни саноат тармоқларига ихтисослаштириш зарурлигини таъкидлади. Масалан, Жондор туманида уй текстили бўйича 3 мингта яқин хотин-қизларда етарли тажриба бор. Вобектн туманида вейш уссулда узум, гул ва чўчат этиштириш йўлга қўйилган. Бухоро туманида 27 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга янги корхона ишга тушган.

Шу каби ҳар бир туман ихтисослашувидан келиб чиқиб, ҳомаш, инфратузилма, кадр ва бозор масалаларини қамраб олган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу режа ва мақсадларнинг рўёби учун профессионал кадрлар зарур. Лекин кўп ҳолларда касбга ўқитиш меҳнат бозорига талаб ва ёшларнинг қизиқшини ҳисобга олмасдан, мавжуд ўқитувчилар доирасида амалга ошириляпти.

Ешларнинг атиги 2 фоизи дуал таълим шаклида ўқитилади, вилоятдаги 30 минг корхонадан 350 таси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган ҳолос. Оқибатда қуввати 28 минг ўқувчи бўлган коллеж ва техникумларга қабул 50 фоизга етмайди.

Шунингдек, 200 минг кўчмас мулк биносига камидан 3 киловаттлик қуёш панели ўрнатиб, 600 мегаватт қувват яратиш имкони бор. Бу билан вилоят электр истеъмоли яна 20 фоиз иқтисод бўлади.

Шу боис Энергетика вазирлиги, вилоят ва туман мутасаддиларига йил якунигача 4 мингта ишчилик қуёш панеллари ўрнатиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун уларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги айтилди.

Хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда, аҳолига суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш чоралари белгиланди.

Бухоро вилоятида 3 та йирик газ-кимё мажмуаи, 10 та қуёш ва шамол станцияси қуриляпти. Уларда 1 миллиард долларлик эҳтиёт қисмга эҳтиёж бор. Лекин кўп кластер ва корхоналар бир хил махсулот ишлаб

чиқариб, янгисини яратиш устида ишламаяпти. Вилоятда 1,5 миллион тонна мева-сабзавот тайёрланади. Бу — Бухоро эҳтиёжидан 2 баробар кўп. Лекин уларнинг атиги 11 фоизи қайта ишланади, 30 фоизи ташишда исроф бўлмоқда. Вилоятнинг 4 та кичик агрологистика маркази қуввати 66 минг тонна махсулотни қайта ишлашга етарли ҳолос.

Шу боис Президент ҳар бир туманни саноат тармоқларига ихтисослаштириш зарурлигини таъкидлади. Масалан, Жондор туманида уй текстили бўйича 3 мингта яқин хотин-қизларда етарли тажриба бор. Вобектн туманида вейш уссулда узум, гул ва чўчат этиштириш йўлга қўйилган. Бухоро туманида 27 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга янги корхона ишга тушган.

# ОЛАМШУМУЛ ҒАЛАБАЛАР БАРЧАМИЗГА МУБОРАК!

Ўтган ярим ой юртдошларимизнинг ҳар бири учун ҳаяжонли ва қувончли бўлди. Париж Олимпиадасида қатнашган фарзандларимиз сабри, матонати, маҳорати ва кучли иродаси билан барчамизга тарихий ғалабаларни тақдим этди.

Ортимиз фарзандларининг ғалабалари тўғрисида қатнашган 208 мамлакат орасидан 13-ўринни эгаллаб, “ТОП — 15” мамлакатлар сафидан ўрин олди.

Бундан ташқари, ушбу ютуқлар тўғрисида мамлакатимиз Осиёда 4-ўринни, туркий тили давлатлар, мусулмон давлатлар ва МДХ мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бир йўла уч нафар спортчимиз икки карра Олимпиада чемпиони бўлди. Бу тарихий ғалабалар барчамиз учун фахр ва ифтихордир.

Албатта, бу ютуқлар ўзидан бўлган эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча жаҳа қатори спорт соҳасида ҳам жиддий ишловлар амалга оширилди, спортчиларимизга замонавий шарт-шароитлар, кенг имкониятлар яратиб берилди. Бу ана шундай оламшумул ғалабалар учун замин яратди, десак, муболага эмас.

Шу ўринда бутун дунё нигоҳини ўзбекистонимизга қаратган тарихий қарор-такор қаратган, юртимиз байроғини юксакларга кўтарган, давлатимиз мадҳияси баралла янграшга сабабчи бўлган спортчиларимизни, уларнинг ота-оналари ва оила аъзоларини, яқинларини, устоз ва мураббийларини, қолаверса, спортчиларимиз учун бирдек қайғуриб, тинимсиз дуолари орқали қўллаб турган халқимизнинг тарихий ютуқ билан чин қалбдан табриклаймиз!

Кутбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАРИ



Дарҳақиқат, бугун ҳар бир соҳада юз бераётган ўзгаришлар, юксалишлар дунёда Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, тиллаб олган йўли ва позициясини, шараф ушони намойиш этмоқда. Хусусан, Франция пойтахти Париж шаҳри мезбонлик қилган XXXIII эъги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз вакилларининг ёрқин ғалабалари Ўзбек спорти тараққиёти янги босқичга кўтарилганини кўрсатибгина қолмай, ватанпарвар, эркин ва озод халқ не-не улуг ишларга қодирлигини яна бир бор исботлади.



Ўзбекистон делегациясининг Олимпиада ўйинларида қўлга киритган ютуқлари спортчиларимиз тимсолида бутун халқимизнинг улкан, том маънода тарихий ғалабаси бўлди.

## Чексиз қувонч ва ҳаяжон онлари

Шу йил 26 июль — 11 август кунлари бутун дунё нигоҳи Франция майдонлари ва ареналарига қаратилди, десак, муболага эмас. Париж шаҳрида ўтказилган эъги Олимпиаданинг мurosасиз баҳслари нафақат спортчиларга, балки уларни қузаитиб турган ҳамюртлари, дусту яқинлари, мухлисларига ҳароратли туйғулар, оташин ҳаяжонлар, ёрқин хотиралар тухфа этди.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Дунёдаги энг нуфузли ана шу мусобақаларда Ўзбекистон вакилларининг ҳар бир қизиқини халқимиз турли интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар, “ойнайи жаҳон” орқали, қолаверса, финал баҳсларини боғу хиббонларга ўрнатилган катта экранларда юқори қизиқичи ва ҳаяжон билан қузаитиб борди.

Кунги кеча ана шу тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжуманида муваффақиятли иштирок этган ватандошларимиз юртимизга қайтиб келди. Тошкент халқро аэропортида Ўзбекистон делегацияси аъзолари тантанали кутиб олинди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, шoirи ва ёзувчилар, маданият ва санъат соҳаси намояндалари, спортчилар, олимпиадачиларнинг ота-оналари ва яқинлари, дустулари, спортсевар мухлислар, журналистлар жам бўлди.

Алоҳида ажратилган ҳудудда байрамона мухит, кўтаринки руҳ ҳукмрон. Ҳамманинг юз-қизиб шодомунлиги, гафур-ифтихори туйғулари балқийди. Даства-даства ғайлар кўтарган юртдошларимиз ҳаяжонда, мамнун жилмайдил. Айнакса, Олимпиада ўйинларида голиб ва совриндор бўлиб Ватанимиз доверғунини оламга янада кенг тاراتган спортчиларимизнинг ота-оналари, яқинлари қувончи, эҳтирослари ичига сиймайдил.

Бу онларнинг шуқуи бошқача. Бу — юртининг энг улуг тўйи олдиқдан катта бир байрам, ўзига хос шодиена...

## Кўнгилдагидан ҳам зиёда

Улкан мониторингларда Олимпиада беллашуларининг қайноқ лаҳзалари намойиш этилади. Қизғин машғулотлар, мurosасиз жанглар, мағлубиятлар алами, ғалаба нашидаси, давлатимиз мадҳияси жаранги... Барчага ўтли хотираларни тухфа этади.

Таънагани маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулла Арипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва бошқалар Ўзбекистон спорти тарихида янги саҳифа оған олимпиадачиларимизни қутлар экан, ушбу муваффақиятлар юртимизда ёш авлодга берилаётган юксак эътибор самараси, бугун Ўзбекистон спорт соҳасида ҳам қудратли давлатлар сафидан жой олаётгани ифодаси эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, янги Ўзбекистонда ёшларга халқимизнинг бебаҳо бойлиги, улкан ҳазинаси сифатида алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб ўлгайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини тўла намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилляпти.

Ҳақиқатан ҳам, янги Ўзбекистонда ёшларга халқимизнинг бебаҳо бойлиги, улкан ҳазинаси сифатида алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб ўлгайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини тўла намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилляпти.

## Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган

Эъги Олимпиада ўйинлари Ўзбекистонлик спортчилар учун ўзининг ёрқин лаҳзалари билан эсда қоладиган бўлади. Қадимий Парижнинг улғурвор ареналарида юртдошларимиз юксак маҳорат ва истеъдод, шилдад ва матонати билан ўз имзоларини қолдиришди.

## Халқнинг олқиши, дуоси, ҳурмат-эҳтироми — катта бахт

...Олимпиада голиб ва совриндорлари, иштирокчилари, мураббийлари, спортчиларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари усти очик автобусларга ўтириб, қўлларида миллий тугимизни ҳилпиратганча йўлга чиқди. Йўл бўйлаб музаффар спортчиларимизни кутиб олиш учун йигилганларнинг адоғи кўринмайдил. Улар делегация аъзоларини қўлларидаги байроқчаларни ҳилпиратган ҳолда тарихий ғалаба билан қутлайди. Фаҳру ифтихорига тўла ҳайқириклар, олқишлардан қалбингиз тўлқинланади. Тасанно сизга, Ватан шарафини юксалтирган спортчилар! Замонамиз қаҳрамонлари! Уларнинг самимий сўзларини дил ятаймиз.

Хатто турли оилавий тадбирларда қатнашмасдан ҳам машғулотларига борарди. Қиш кунларида жуда кеч қолиб кетарди. Юрағимизни ҳовуқлаб, уни кутиб ўтирардик. Унинг Париждаги зафарлари — қилган машаққатли меҳнатлари натижаси.

Дийёра КЕЛДИЁРОВА, эъги Олимпиада ўйинларининг дзюдо бўйича олтин медаль соҳибчи: — Олимп чўққисини забт этганим мамлакатимизда хотин-қизлар спортига берилаётган эътиборнинг мевасидир. Мени 6 ёшимда раҳматли бувим спорт тўғрагимга олиб борган. Шу боис ғалабамиз бу инсоннинг хотирасига бағишладим. Дзюдо — татамидаги шахмат. Бу спорт турида нафақат техника томондан ёки жисмонан кучли бўлишингиз, балки ақлдан ҳам рақибингиздан устун бўлиб, ҳар бир хатти-ҳаракатингизни ўйлаб амалга оширишингиз керак. Биз Олимпиадада пухта ҳозирлик кўргандик. Худого шукр, юзимиз ёруғ бўлди. Бунинг учун мени қўллаб-қувватлаб турган барчага раҳмат дейман.

Исматилла РАШИТОВ, эъги Олимпиада ўйинларининг таэквондо бўйича олтин медаль соҳибчи Улғубек Рашитовнинг отаси: — Уғлим икки марта Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди. Бу ҳар қандай ота-онанинг орзуси. Улғубекнинг спортга кириб келиши қизиқ бўлган. У 4 ёшида акамнинг ўлғига қурашда ютақчи бўлди. Кейин уни хоҳишига қараб таэквондо бўйича спорт секциясига бердик. 5 ёшдан мунтазам шуғуллана бошлади. У машғулотларга жиддий қарайди.

Лазизбек МУЛЛОЖОНОВ, эъги Олимпиада ўйинларининг бокс бўйича олтин медаль соҳибчи: — Ватанимиз байроғини юксакларга ҳилпиратганимдан гоёат

Мухтасар айтганда, бугун спортчиларимизга берилаётган эътибор уларни янгидан-янги марраларга руҳлантиради. Ишонимизки, тўрт йилдан сўнг АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган эъги Олимпиада ўйинларида ҳам ўзбек спортчиларининг зафарли юришлари давом этади. Бунга Парижда ёшларимиз бизни ишонтира олишди. “Унутилмас хотиралар учун раҳмат, Париж! Янги ғалабаларимизни кутиб ол, Лос-Анжелес!”, деб қоламиз!

Дилшод ҚАРИМОВ («Халқ сўзи»).

# УЙҒОНАЁТГА АРСЛОН

Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!  
Сенга не бўлди? Эй, Чингизларнинг,  
Темурларнинг, Ўғузларнинг,  
Отиллаларнинг шонли бешиклари!  
Қани у чиқдиғинг юксак ўринлар?..

Абдурауф ФИТРАТ

Америкалик сиёсатчилардан бири Марказий Осиё минтақасининг аниқ даврдаги ҳаёти ва тақдири ҳақида «...улар бузун постсовет ёки посткоммунистик мамлакатлар эмас» деган фикрни билдирган эди.

Илмий тадқиқот доиралари орасида қотиб қолган (стереотип) тушунчаларнинг эскирганига ишора қилувчи ушбу қарашни илғаб олиш учун бугун махсус илмлар эгаси бўлиш шарт эмас. Дейлик, бундан ўн-ўн беш йил илгари сиёсий табиати миллий айирмачилик, ўзаро адоват ва пинҳона душманликка мойил бўлган Марказий Осиё жамиятлари — минг йиллик қўшнилар ўртасидаги муносабатлар бугунга келиб, ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетди. Кечагина бир-биридан устунлиги, «қадимий» лиги ва айнан шу сабабларга кўра, минтақанинг тарихий-маданий меросига кўпроқ дахлдор эканини зўр бериб исботлашга уринаётган, баъзи ўринларда бир-бирини кескин ҳақорат қилишгача бораётган одамлар айнан бугун фавқуллодда «яқдил қўшнилар»га айланиб қолишди.

Бу ҳодисани ифода этувчи, аниқ далил сифатида баҳоловчи воқеа-ҳодисаларни кун-кунора кўриб, эшитиб турибмиз. Ҳолбуки, ҳозиргина айтганимиздек, ён қўшниларнинг бир-бирларига нисбатан олиб борган ёпиқ ва ноҳолис сиёсати минтақанинг умумий тарихи, маданий меросини «нафрат тили»га айлантириб қўйган. Тарих ва боболардан қолган умуммерос ҳукмрон сиёсатлар томонидан мафқуралаштирилиши, тўқиб-бичилиши оқибатида Евроосиё маркази — бир замонлар улкан империяларга асос солган, шавкати оламни тутган заминда, таассуфки, мустақилликка эришган ва айни пайтда бир-бирига терс бурилган беш давлатни пайдо қилди. Ва айни пайтда бу ҳолат атрофдаги анъанавий актёрлар учун минтақани геосиёсий объект даражасида ушлаб туриш имконини берди.

Мен айни дамда минтақанинг геосиёсий манзараси, бугунги кундаги мавқеи борасида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Ҳозир айни жараёнларга бевосита таъсир этиш қувватига эга бўлган, сиёсатчилар тили билан айтганда, ҳақли маънода минтақанинг геосиёсий акторига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлари, кундан-кун ошиб, юксалаётган халқаро имижни борасидаги мухтасар фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Очиги, мени бугун айтмас бўлмайдиган, юрагимни тўлқинлантириб юборган қувончли воқеалар ёзишга ундади, кўлимга қалам олишга мажбур этди десам, тўғри гапни айтган бўламан.



Кудратилла РАФИҚОВ, сиёсатшунос

аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман».

Минтақа ҳамкорлиги йўлида Ўзбекистон юритаётган сиёсатни юқори баҳолаш, «Premium Construction» компанияси (Қатар) бошқарувчи ҳамкори Насри ал-Саади эса ўз мақола-сида ён қўшниларнинг самимий ҳаракатларига ургу беради:

«Икки мамлакат етакчилари халқаро ҳамкорликнинг тобора оммалашиб бораётган механизмларига айланиб бораётган Маслаҳат учрашувлари ва «Марказий Осиё плюс» платформалари орқали минтақани бирлаштириш ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тарафдори ҳисобланади. Улар глобал ва минтақавий сиёсат масалаларида ҳам бир-бирларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда».

Табийки, менинг мақсадим ушбу тарихий учрашув ҳақида хориж таҳлилчилари фикрларини қалаштириб ташлаш ёки шарҳлаш эмас. Кўзланг ниятим — шу муқаддас юрт, азиз халқи учун турли қийинчиликлар, босимлар, ташқи ва энг афсусланарлиси, ўзиндан чиққан бало — ички «уйинлар»ни энгиб ўтиб, совуққонлик ва донишмандлик билан кўзлаган манзилига интилаётган ва бу жараёнда улкан ютуқларга эришаётган Миллатимиз Лидери Шавкат Мирзиёевнинг жасорат ва садоқатга эврилган фаолияти ҳақида сўзлаш ва бу кайфиятни сизга ҳам улашишдир. Зотан, мен ўзбек халқи, Ўзбекистон номини баланларга кўтарган, кўтарилган шундай инсон билан замондош ва ватандош бўлганимдан мудом фахр туяман.

## II

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллохшукур Пошшоода яқинда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида «Шавкат Мирзиёев шахсияти бузун нафақат Ўзбекистон, балки минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор кучга дўнди», деган эди.

Агар ҳажонга таниқли уламнинг биз учун нейтрал шахслигини ҳисобга олсак, ушбу таъриф мутлақо самимий эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, бугун халқаро сиёсатда катта қизиқишга сабаб бўлган Марказий Осиё давлатлари Маслаҳат учрашувининг ташаббускори ҳам шахсан бизнинг Президентимиз бўлди.

Эсласангиз, ушбу ташаббус дунё ҳамжамияти томонидан кенг оқишланган ва илк учрашув 2018 йил 15 мартда Остонада бўлиб ўтган эди. Беш қўшни давлат раҳбарларининг кечагина Қозоғистон пойтахти Остонада ўз ишини олиб борган йиғилиши айни форматнинг янги цикли — даврини бошлаб берди.

Бугунги мақоладаги асосий ургу шу мавзуга тегишли бўлмаса-да, бир мулоҳазани айтишим шарт. Шавкат Мирзиёев бундан 7-8 йил илгари бу учрашувни ташкиллаштиришдан

ки, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар динамикаси мисли кўрилмаган даражада кўтарилиб бораётди. Буни бўлиб ўтган учрашувлар, масалан, томонларнинг бизнес форуми ва ишбилармонлик учрашувлари яқунлари бўйича 7 миллиард долларлик салмоқли келишувлар имзолангани мисолида ҳам кўриш мумкин...

— Биз кўп қиррали муносабатларимизда янги саҳифа очдик — Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказдик. Ушбу формат давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори даражаси ифодаси бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг яқин алоқалари, уларнинг барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишини яққол намоён этади, — деди давлатимиз раҳбари ушбу учрашувда.

Албатта, минтақанинг юраги бўлмиш икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга чиқиши ҳажон ҳамжамиятини ҳам, халқаро экспертларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Таҳлилчилар, «ақл марказлари» айни таъриф тафсилотларини кенг шарҳлади. Хусусан, Малайя университети (Малайзия) қошидаги Осиё ва Европа институти директори ўринбосари Рой Энтони Рожерс ўз кузатишларини қуйидагича баён этди:

«Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар ва шахсий дўстона муносабатлар туфайли ўзбек — қозоқ муносабатларининг бугунги ҳолати алоҳида динамика, ўзаро тушуниш ва ишончнинг юксак даражаси билан ажралиб туради. Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга ушбу таърифи нафақат икки мамлакат халқлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси равақи учун ҳам тарихий

Авалло, Қозоғистондаги учрашувлар ҳақида мухтасар тўхталмоқчиман. Зотан, айни таъриф тафсилотлари Миллатимиз Лидерининг бундан етти-саккиз йил илгари минтақа бўйича бошлаган ҳаётбахш сиёсатининг самараларини аниқ кўрсатгандек бўлди.

Ҳаммамиз яхши биламиз, 7 — 9 август кунлари давлатимиз раҳбари давлат таърифи билан Қозоғистонда бўлди. Таъриф аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев расмий Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Кези келганда шунини алоҳида айтиш керакки, икки қўшни давлат раҳбарлари ўртасидаги бу даражадаги учрашув тарихимизда илк бор ўтказилди. Ҳажон ҳамжамияти, халқаро экспертлар томонидан минтақанинг асосий локомотивлари, дея эътироф этилаётган давлатларнинг ҳамкорлиги масаласида бундай юқори даражага чиқиши ҳали кузатилмаган. Тан олиш керак, илгарилик ҳам Марказий Осиё, «минтақа бирлиги» ёки ўта мафқуралаштирилган «Туркистон — умумий уйимиз» деганга ўхшаш устимиллий умумий тушунчалар мавжуд бўлган эса-да, гуруҳ сифатидаги ўзига хослик ўта мужмал эди. Икки асосий куч бўлган қўшниларнинг минтақада олиб бораётган ҳаракатлари ўша мавҳумликни аниқ ҳаракатга айлантиришда муҳим қадам бўлмоқда. Бу ҳақда сал кейинроқ ҳозир эса бевосита давлатларимиз ва халқларимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилишга арзигулик йиғилиш — Давлатлараро Олий кенгашнинг биринчи мажлиси тўғрисида батафсилроқ тўхталамиз.

Таъриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес форуми, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, кино кунлари ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилдики, бу халқларимизнинг нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий жиҳатдан ҳам яқдиллигини оширишга хизмат қилади десам, янглишмаган бўламан.

Ушбу учрашувлардаги энг диққатга сазовор воқеалардан бири шуки, икки мамлакат раҳбарларининг 2024 — 2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди. Айни ҳужжат Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик ва яхши қўнчилиқ муносабатларида янги босқич бошланганини аниқлади, албатта. Шунини қувонч билан айтиш мумкин-

Утаётган август ойи ҳаммамиз учун хайрли, қувончли хабарлар ва тафсилотлар билан бошланди. Ва айтиш мумкинки, мен назарга олмақчи бўлган икки муҳим воқеа ҳам Янги Ўзбекистонимизнинг дунё сиёсати, маданияти ва замонавий тарихидаги юксалиб бораётган ўрни билан боғлиқ. Бу факторлар кечагина Ўзбекистон Президентининг Қозоғистонга амалга оширган давлат таърифи ва Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидagi иштироки ҳамда спортчиларимизнинг Париж олимпиадасидаги тарихий ғалабаси сабаб қалбимни жўштираётган фикрлар билан боғлиқ қайноқ ўйлардир.

Тўғри, баъзилар «Хўш, Президент бундай форматдаги учрашувларда кўп бор иштирок этган, спортчиларимиз ҳам бошқа ғолиб давлатлар атлетлари қатори зафар кучишди-да, шунга шунча ҳаяжонми?» дея писанда қилиши мумкин.

Аммо бундай химсаларга менинг ҳам саволим бор: хўш, мустақил бўлганига ўттиз уч йил бўлаётган Ўзбекистон билан ҳажон давлатлари қачон бу даражада жиддий ҳисоблашган, бошидан оғир ситамларни ўтказган бу мамлакат ва халқ қачон халқаро сиёсатнинг мустақил субъекти сифатида эътироф этилган? Қачон икки юздан ортик давлатлар спортчилари иштирок этган халқаро беллашувда юртимиз вакиллари ўн учинчи ўринда кайд этилган, қачон Ўзбекистон мадҳияси бундай нуфузли мусобақаларда уст-ма-уст саккиз бор янграган, байроғимиз ўн уч бор ғолиблар шохсупаси узра юксалган ва биз яна қай маҳал «ўзбек спортчилари дунёда тенгсиз» деган эътирофларни эшитганмиз?!

Албатта, бугун халқимиз ҳаётидаги муҳим ҳодиса сифатида баҳоланаётган ушбу икки омил Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг деярли саккиз йилдан буён олиб бораётган машаққатли меҳнатларининг муносиб меваси десам, мени ҳеч қим инкор қилолмайди.

## III

Шу кунларда қалбларимизни нурга тўлдирган воқеалардан яна бири, шубҳасиз, Париж олимпиадасида спортчиларимиз эришган ғалабалардир. Ким нима деса, десин, бу ҒАЛАБА Янги Ўзбекистоннинг қалби, гурури, ифтихорига айланди. Эътибор қилинг, кечагина «колониал», «постколониал» деб тепадан қараладиган, номи халқаро машваратларда шунчаки тил учида айтиб кетиладиган мамлакатимиз ҳажонга ўзининг қимлигини кўрсатиб ва эслатиб қўйди.

Спортчи ёшларимиз 208 та давлат вакиллари қатнашган мусобақада юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб, дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусулмон ва МДХ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бир йўла 3 нафар спортчимиз «икки қарра олимпия чемпиони», деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Бу оламшумул воқеани ким ўз-ўзидан бекке, дея олади?!

Айни дамда одамда фавқуллодда иккиликни пайдо бўладики, бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар биз шу Ватанга дахлдорлигимиз учун кўзимизга ўзгача кўринаётганлиги, деган. Аммо у даражада эмас. Бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг яратувчанлик қудратини четдагилар ҳам назардан қочирмаётди. Масалан, дунё илм-фанида таниқли олим, тарихчи, этиолог ва антрополог, тарих фанлари доктори, Санкт-Петербургдаги Европа университетининг антропология факультети профессори Сергей Абашин ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ўз мулоҳазаларини қуйидаги тарзда қолдирган:

«2024 йили Олимпиада фавқуллодда муҳим воқеага айланди. Гендер ва санъат мавзуслари муҳокамаси билан эмас, балки, энг аввало, Марказий Осиё мамлакатлари ва айниқса, 8 та олтин медални кўлга киритиб, 13-ўринни эгаллаган Ўзбекистон спортчиларининг кўрсатган ажойиб натижалари билан эса қолади-ган бўлди (эслатиб ўтмоқчиман, олимпиада ютуқлари билан бир қаторда, ўзбек шахматчилари ҳам сўнгги йилларда ҳажон рейтингда юқори ўринларни эгаллаб келгати). Спорт тилида айтганда, биз Марказий Осиё давлатлари умумбашарий миқёсда танилаётган ва тан олинаётган муҳим ўйинчиларга айланиб бораётганига ва ўз субъектчилигини англаб етаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу дунёда ва собиқ постсовет худудида ҳақиқий тарихий силжиш бўлиб, ҳали узоқ давом этадиган ва шубҳасиз, табиий жараёндир».

Албатта, озгина сиёсий маданияти бор одам Абашин ушбу матн орқали нимага ишора қилаётганини яхши англайди. Яъни Ўзбекистоннинг бугун спортда эришаётган ғалабалари унинг миллий субъектга айланаётганини ҳам кўрсатади. Бу, очик айтганда, мамлакат сиёсий-мафқуравий жиҳатдан мустақиллигини мустаҳкамлади, энди унга ўртада турадиган ўртақашнинг кераги йўқ, дегани бўлади.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчиманки, шу кунларда ҳаётимизда содир бўлган бу икки қувончли воқеа бизнинг эртанги порлоқ ва ишончли эканини қафолатлади, Янги Ўзбекистоннинг қатъиятини, унинг жасоратли Лидери Шавкат Мирзиёевнинг иродаси буқилмас ва йўли ортага қайтмас эканини ифода этди.

# ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Хар бир туман ҳокимлиги ушбу йўналишда уйдаланган ишларни танқидий, таҳлилий қўриб чиқиб, йил якунига қадар ҳудуддаги ишсиз, ишлаш истagini билдирган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш бўйича аниқ, манзилли чораларни белгилаши ва амалга ошириши лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Сенат Раиси Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан ҳам учрашув ўтказди. Унда маҳаллий Кенгашлар фаолияти муҳокама қилинди. Уларнинг фаолияти самардорлигини оширишда депутатлик назорати институтидан фойдаланиш, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича

белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш борасида баҳариллаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Мулоқот давомида жойларда аҳоли муаммоларини "маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда бартараф этиш бўйича йўлга қўйилган намунавий тизимдан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, худудларни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни манзилли ўрганиш ҳамда назоратни амалга ошириш, аҳоли муаммоларини бартараф қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, туман бюджети шакллантириладиганда фаол қатнашиш муҳим экани алоҳида қайд этилди. Учрашув давомида маҳаллий Кенгаш депутатлари қатор ташаббусларни илгари суриб, ўзларини қизқитирган саволларга батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».



## САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТУЗИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларига тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловни ўтказиш учун 75 та бир мандатли сайлов округини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бир мандатли сайлов округлари ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида улардаги сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда тузилди. Сайлов округларини тузиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тақдирномалари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари "E-Saylov" ахборот тизими орқали қабул қилинди.

Шунингдек, мажлис кун тартибидоғида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри

«Халқ сўзи».

### Қонунчилик палатаси фракцияларида

# ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Шу билан бирга, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 — 9 август кунлари Қозоғистон Республикасига давлат таширифининг аҳамияти, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида баҳариллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи атрофида муҳокама қилинди.



### Олти юз минг аҳоли бизнесга жалб қилинди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлат таширифининг аҳамияти, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида баҳариллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи атрофида муҳокама қилинди.

Муҳокама ва савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланди.

### Қўшимча 8,5 мингта янги ўқувчи ўрни яратилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида ижроси қўриб чиқилди.

Фракция аъзолари партия мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, асосий эътиборни ижтимоий йўналишлар — мактабгача ва мактаб, олий таълим соҳасида белгиланган вазифалар ижросига қаратди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида 2 684 та янги мактабгача таълим ташкилоти вужудга келган ва бу орқали қамров 74,6 фоизга етказилган. 37 та нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларини йўлга қўйиш орқали қўшимча 8500 та янги ўқувчи ўрни яратилган.

Шунингдек, сифатли таълим бераётган умумтаълим мактаблари педагогларини муносиб рағбатлантириш, педагог кадрларни касбий сертифицирлаш йўналишида муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. 210 миңдан ортиқ педагог ва раҳбарлар малакаси оширилиб, 110 нафар педагог хорижий давлатларга худди шу мақсадда стажировкага юборилган.

Ҳисобот даврида олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича ҳам муайян ишлар баҳариланган.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари амалга оширилган ишларни эътироф этиб, давлат дастурида белгиланган айрим топшириқлар ижроси баҳарилмай қолганлигига эътибор қаратди. Бу борада тегишли вазирлик ва идоралар назоратни кучайтириши лозимлиги айтилди.

Шундан сўнг депутатлар "Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Маъмур қонун лойиҳаси билан кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш алоҳида қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган амалга оширилиши белгиленмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар

қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, лойиҳанинг қабул қилиниши орқали кичик саноат зоналари иштирокчиларига бино ва иншоотларни хусусийлаштириш ҳуқуқи вужудга келишини алоҳида таъкидлашди.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, депутатлар ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

### Хориждаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Депутатлар қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида унга партия сайловотида дастурида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб ёндашди. Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда фракция аъзолари томонидан берилган тақлифлар эътиборга олинган ва уларнинг айримлари ҳужжат матнида акс этганлиги айтилди.

Депутатлар ҳуқуқат ҳисоботи билан танишиб чиқар экан, партия электорати манфаатларига йўналтирилган лойиҳалар ижроси кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, давлат дастурини режалаштириш ва амалга оширишда маълум жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Айрим вазифалар ижроси ўз вақтида таъминланмаётгани, вазирлик-идоралар ўртасида ахборот ва маълумот алмашиш, ҳамкорлик ва албатта, масъулиятни кучайтириш лозимлиги билдирилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёрдамнинг манзиллигини кучайтириш, давлат ва жамият аҳамиятига муҳим лойиҳалар ҳақида худудларда аҳолига доимий ахборот бериб бориш зарурлиги қайд этилди.

Игилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул

Шунингдек, республика бўйича 7 ёшгача бўлган 3 млн. 870 миң болани қизамиққа қарши эпид кўрсатма бўйича оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилган.

Онкологик касалликларни эрта аниқлаш, ўлим кўрсаткичини камайтириш ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самардорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 45 — 65 ёшдаги аёллар ўртасида онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва уларни оммавий скрининг билан қамраб олиш бўйича 985 миң нафар аёл скрининг текширувларидан ўтказилган.

Мунозаралар давомида депутатлар ҳисобот даврида баҳариланган ишларни эътироф этиб, давлат дастурининг айрим бандлари бўйича аниқлаштирувчи саволлар билан юзланди. Мутасаддилар уларга батафсил тушунтириш берди.

### «Оилавий» овоз бериш ҳолларининг олди олинади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигида баҳариллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини қўриб чиқди.

Ҳисоботда келтирилишича, ўтган даврда "Ёшлар дафтери"га жами 133 миң 718 йилит-қиз киритилган бўлиб, 75 миң 599 нафарининг таълим, касб-ҳунар ва ижтимоий ёрдам курашишидаги бошқа харажатлари учун 146,3 млрд. сўм қоплаб берилган. "Аёллар дафтери"га киритилган хотин-қизларнинг 415 миң 721 нафари эса доимий ва масъулий ишларга жойлаштирилган. 200 миң 597 нафар боқувчиси бўлмаган, ўзининг ёки фарзандининг ногиронлиги бўлган эътиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам берилган.

Депутатлар ҳуқуқат ҳисоботи билан танишиб чиқар экан, партия электорати манфаатларига йўналтирилган лойиҳалар ижроси кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, давлат дастурини режалаштириш ва амалга оширишда маълум жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Айрим вазифалар ижроси ўз вақтида таъминланмаётгани, вазирлик-идоралар ўртасида ахборот ва маълумот алмашиш, ҳамкорлик ва албатта, масъулиятни кучайтириш лозимлиги билдирилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёрдамнинг манзиллигини кучайтириш, давлат ва жамият аҳамиятига муҳим лойиҳалар ҳақида худудларда аҳолига доимий ахборот бериб бориш зарурлиги қайд этилди.

Игилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул

қилиниши ҳар бир фуқаронинг тенг савоб ҳуқуқи кафолатлари ҳамда мустаҳкамлишига, "оилавий" овоз бериш ҳолларининг олдини олишга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладилар.

### Ногиронлиги бўлган шахслар чипталарни имтиёз билан онлайн харид қилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлиб.

Ушбу қонун лойиҳаси билан соғлом қонун муҳитини яратиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, темир йўл транспортини монополиядан чиқариш мақсадида лойиҳадаги айрим нормалар ташуви ва вагонлар, (контейнерлар) оператори тушунчалари билан тўлдирилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг йўловчи поездларда юриш имкониятини яратиш мақсадида темир йўл транспортида йўловчиларнинг имтиёзли юриши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиленмоқда. Бунда ногиронлиги бўлган шахслар чипталарни имтиёз билан онлайн харид қилиши мумкин бўлади.

Кизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Депутатлар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг жорий йил биринчи ярим йиллигида баҳариллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини қўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит ҳимояси соҳасида қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, "Ақил сув" ҳамда салкам 300 миң гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий этилиши натижасида 1,4 млрд. куб метр сув ресурслари тежаланишига эришилган.

Шунингдек, "Яшил макон" умумий миллий лойиҳаси доирасида 2024 йил баҳорги кўчат экиш маъмуриятида мамлакат бўйича 138,1 млн. туп дарахт ва буту қўчатлари экилган. 220 миң гектар майдонда ўрмонлаштириш, Орол денгизининг қуриган тубида яшил қоплама барпо этиш ишлари амалга оширилган.

Депутатлар уйдаланган ишларни ижобий баҳолаб, давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида баҳариллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқулладилар.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, кун тартибидоғида бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## БУЎЁДКОРЛАР МЕҲНАТИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Бугун юртимиздаги шаҳару қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди, ҳаётимиз янада файзли ва фаровон бўлиб кетди. Бу янгиланишлар мамлакатимизда курилиш-обodonчилик ишлари қўламини йил сайин кенгайтириб, архитектура ва шаҳарсозлик соҳаси тобора тараққий этиб бораётганини кўрсатмоқда.

### Анжуман

Маълумки, давлатимиз раҳбарни Фармонига кўра 2017 йилдан бунён хар йили август ойининг иккинчи яшанбаси Курилиш соҳаси ҳодимлари кўни сифатида кенг нишонли келинати. Шу муносабат билан "Ўзбекистон" халқор анжуманлар саройида ўтказилган тантанали тадбирда янги ва кўркам иморатлар барпо этиб, ҳалқимизнинг олқишига сазо-му бўлаётган илгор бунёдкор архитекторлар, уста ва муҳандислар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз курилиш соҳаси ҳодимларига йўналган давлат табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида курилиш ишлари ҳажми 2023 йилдагига нисбатан 10 фоиздан зиёд ортиб, салкам 80 триллион сўмга етди. Соҳанинг янги ички маҳсулот-даги улуши 6 фоиздан кўпроқ

«Халқ сўзи».

# ҚҮЙИ ПАЛАТАГА ЕТТИТА ЛОЙИҲА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Шу йилнинг 1 — 10 август кунлари Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуслари томонидан 7 та қонун лойиҳаси киритилди. Уларнинг 6 таси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган бўлса, 1 таси бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган.

### Ташаббус

Жумладан, "Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва қуяшти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан чорва ҳайвонлари ҳисобини юритиш, ҳайвонлар насли билан боғлиқ ва уларнинг соғлиғини тўғрисидаги ягона электрон тизимни яратиш, ҳайвонларда юқумли касалликларнинг олдини олишга оид қонунлар белгиленмоқда.

Бундан ташқари, ҳайвонларни идентификация қилиш тизимини қонун билан тартибга солиниши назарда тутилмоқда.

"Экспорт қилинадиган карантин остидаги

маҳсулотларнинг фумигацияси фаолиятини амалга ошириш лицензиялаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасида экспорт қилинадиган карантин остидаги маҳсулотларнинг фумигацияси фаолияти юридик шахслар томонидан лицензия асосида амалга оширилиши белгиленмоқда.

Шу билан бирга, минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдала-

ниладиган кимёвий воситаларнинг улғуржи ҳамда чакана савдоси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини оширишни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тақлиф этилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан юқори барқарорлик рейтингини таъминлаш тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида, уларда солиқ текширувларини ўтказмаслик ва ҚҚС суммаси ўрнини қоплашни бир кун муддатда текширувларини ўтказмаслик амалиётини жорий қилиш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, бошқа солиқлар бўйича мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтаришни

уч кун муддатда амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда айрим юрридик қарорлар таъминлаш бекор қилишга қаратилган ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодексларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан Солиқ ва Божхона кодексларига тезкор-қидирув тадбирлари тизим-лирининг техник воситаларини махсус ваколатли давлат органи томонидан харид қилиш ва Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда солиқ солишдан ва божхона тўловларини тўлашдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида тенг савоб ҳуқуқини бузганлик, шунингдек, сиёсий партияларга сайловда иштирок этиш учун ақриланган давлат маблағлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига оралик ёки яқиний ҳисоботни тақдим этмаганилик ёки ўз вақтида тақдим қилинмаганилик ёхуд билатириб нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун маъмурий жавобгарлиқни белгиловчи қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

## Ўзбекистон Бош консулхонаси ташаббуси билан Қозоғистоннинг Қизилўрда вилоятида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тарғибот тадбири ўтказилди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 842. 12 771 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг.

Тахриратта келган қўламлар тақриб қилинмайди ва мазаллафа қайтарилмайди.

Газетанинг мазаллаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсум. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.  
Мушаххис — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40

Топширилди — 04.35 1 2 3 4 5 6